

**«ТАСДИҚЛАНГАН»  
“Oloy dehqon bozori” АЖ  
акциядорларининг 2025 йил  
19 мартдаги навбатдаги умумий  
йиғилиши томонидан**

Мажлис раиси



(Ф.И.Ш.)

# **«OLOY DEHQON BOZORI»**

**AKSIYADORLIK JAMIYATINING  
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДАГИ  
Н И З О М И**

**Тошкент-2025**

## I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом “Акцидорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислох қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2021 йил 29 мартдаги 166-сон қарори ҳамда “OLOY DENQON BOZORI” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) уставига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Жамият Кузатув кенгашининг мақомини, ваколатларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ишлаш тартибини белгилайди.

1.2. Жамият Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, амалдаги қонунчилик ва Жамият Устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

1.3. Жамият Кузатув кенгаши ўз фаолиятини амалдаги қонунчилик, Жамият Устави ва мазкур Низомга асосан амалга оширади.

## II. Кузатув кенгашининг ваколат доираси

2.1. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 5 (беш) кишидан иборат бўлади. Бундан 1 (бир) нафари мустақил аъзо ҳисобланади.

2.2. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

2.2.1. Жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратadbирлар тўғрисида Жамият ижро органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

2.2.2. Акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

2.2.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

2.2.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

2.2.5. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

2.2.6. Жамият Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги тахрирдаги Уставини тасдиқлаш масалаларини ҳал қилиши учун акциядорларнинг умумий йиғилишига киритиш;

2.2.7. Мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

2.2.8. Жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунини 79-моддасига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосан муддатидан илгари тугатиш. Жамият ижроия органининг раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарор, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

2.2.9. Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси Жамият Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабрдан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

2.2.10. Ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

2.2.11. Жамият ижро органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижро органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

2.2.12. Аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.2.13. Дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

2.2.14. Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

2.2.15. Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

2.2.16. Жамиятнинг шўъба ва тобе ҳўжалик жамиятларини ташкил этиш;

2.2.17. Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳамда Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.2.18. Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қону ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

2.2.19. Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор

қабул қилиш;

2.2.20. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек Жамият Уставига Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

2.2.21. Қонунчиликка мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

2.2.22. Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.2.23. Қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.2.24. Жамият ижро органига тўланадиган ҳақ ва мукофот миқдорини белгилаш, бунда бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилмаган ёки самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари “паст” ёки “қоникарсиз” деб баҳоланган тақдирда ижро органи томонидан ўтган ҳисобот йилида тўланган мукофотни тўлиқ Жамиятга қайтариш масаласини кўриб чиқиш;

2.2.25. Жамият асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки куриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталдаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари кўшимча фаолият билан шуғулланиш мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш;

2.2.26. Жамият томонидан мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизми, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларини (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда олдиндан кўриб чиқиш;

2.2.27. Жамиятнинг раҳбар лавозимларига ўтказиладиган танлов регламентини тасдиқлаш, ижро органи раҳбари ва унинг ўринбосарлари лавозимларига танлов эълон қилиш ва ўтказиш;

2.2.28. Ахборот сиёсати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

2.2.29. Ҳомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш;

2.2.30. Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ташкиллаштириш, баҳолаш ҳуқуқига эга мустақил ташкилотни танлов асосида танлаш;

2.2.31. Кузатув кенгаши аъзоларидан иборат бўлган Стратегия ва инвестициялар, Аудит, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмиталарини, шунингдек заруриятга кўра бошқа қўмиталарни ташкил қилиш;

2.2.32. Қонунчилик ва Жамият Уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

2.4. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг ижро органига ўтказилиши мумкин эмас.

### III. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш ва ваколатини муддатидан илгари тугатиш

3.1. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари қонунчиликда ва Жамият Уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) йил муддатга сайланади.

3.2. Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

3.3. Жамият бошқаруви аъзолари (директори), унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

3.4. Айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

3.5. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

3.6. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши керак бўлган мустақил аъзолар ва бошқа аъзолар сонига алоҳида кўпайтирилади ҳамда акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

3.7. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

3.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланган кузатув кенгаши аъзоси мазкур йиғилиш баённомасида қайси акциядорнинг вакили эканлиги ёки кузатув кенгашининг қайси аъзоси мустақил аъзо эканлиги кўрсатилиши керак.

3.9. Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси у сайланган кундан бошлаб, Жамиятнинг аффилиланган шахси деб эътироф этилади. Шунга мувофиқ,

у сайланган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай мазкур Низомнинг 1-илоvasида келтирилган шаклга мувофиқ белгиланган маълумотларни батафсил кўрсатган ҳолда ўзининг аффилиланганлиги тўғрисида Жамиятни ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

3.10. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш қонунчилиқда ва Жамият уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан амалга оширилади.

3.11. Кузатув кенгаши аъзоси қуйидаги ҳолларда ўз вазифаларидан озод этилиши мумкин:  
ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, Жамиятга зарар етказса;

Жамият ва унинг акциядорлари манфаатларига зид равишда инсофсиз ва мантқиқсиз ҳаракат қилса;

Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни, шу жумладан инсайдерлик ахборотларни ошқор этиш, уларнинг учинчи шахслар томонидан ўз мақсадларида фойдаланишга йўл қўйса;

Жамият Кузатув кенгашининг мажлисларида, Кузатув кенгаши қошидаги қўмиталарнинг мажлисларида мунтазам равишда иштирок этмаса;

у тузилишидан манфаатдор шахс деб эътироф этилиши мумкин бўлган битимлар тўғрисидаги маълумотларни яширса;

Акциядор томонидан унинг ўрнига бошқа номзод тақдим этилса.

#### IV. Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар

4.1. Кузатув кенгашининг аъзоси сифатида беноқсон ишчанлик ва шахсий обрў-эътиборига эга бўлган ҳамда Кузатув кенгаши ваколатига тегишли қарорларни қабул қилиш ва функцияларини самарали бажариш учун талаб этиладиган билим, кўникма ва тажрибага эга бўлган шахслар тавсия этилади.

4.2. Қуйидаги малака талабларига эга бўлган шахс Жамият Кузатув кенгаши аъзолигига номзод сифатида тавсия этилиши мумкин:

Олий таълим ёки илмий даражанинг, ёнки бошқарув (менежмент) соҳасида қўшимча таълими мавжуд бўлган;

Давлат ёки хўжалиқ бошқарув органлари активларини бошқариш соҳасида ва/ёки Жамият фаолиятига тегишли бўлган тармоқда иш тажрибасига эга;

рахбар лавозимларида, шу жумладан Кузатув кенгашлари таркибларида иш тажрибаси мавжуд;

турли коллегиял органларда иштирок этиш, шу жумладан унинг Кузатув кенгаши қўмиталарида аъзолиги билан боғлиқ махсус кўникмалар (кучли коммуникативлик кўникмалари, фаолиятни шаффофлик, ҳолислик, конструктивлик ва профессионализм тамойиллари асосида амалга ошириш учун зарур сифатлар)га эга бўлган;

қонунчиликка кўра бошқа талаблар.

4.3. жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлишида қуйидагилар мумкин эмас:

4.3.1. сўнгги уч йил ичида жамиятда ва (ёки) жамиятнинг аффилиланган шахсларида ишлаган шахс;

жамият овоз берувчи акцияларининг беш ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи (тўғридан-тўғри ва (ёки) аффилиланган шахслар орқали) акциядор;

4.3.2. жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг йирик миқдори ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлган шахс. Бунда қайси шахслар билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўша шахслар йирик миқдор ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

4.3.3. сўнгги уч йил ичида жамиятга ва (ёки) жамиятнинг аффилиланган шахсларига аудиторлик хизматларини кўрсатган аудиторлик ташкилотининг ходими;

4.3.4. кетма-кет олти йил давомида жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига кирган шахс;

4.3.5. жамият ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган келишувлар мустасно;

4.3.6. жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахснинг яқин қариндоши ёки қуда томондан қариндоши (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, ўғиллари, қизлари, эри (хотини), шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари

ва фарзандлари) бўлган шахс;

4.3.7. давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлган шахс;

4.3.8. жамиятнинг уставда ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари билан тасдиқланган ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган шахс.

4.3.9. Жамият жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган мустақил аъзоларнинг реестрини юритади ва уни ўз расмий веб-сайтида эълон қилади.

4.3.10. Жамият кузатув кенгаши мустақил аъзоларининг реестрини юритиш тартиби ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ВАКОЛАТЛИ ДАВЛАТ ОРГАНИ ТОМОНИДАН белгиланади.

4.3.11. Жамият кузатув кенгаши мустақил аъзосига белгиланган талабларга мувофиқлиги ўзгарган тақдирда, у жамиятни ва кузатув кенгашини бу ҳақда икки иш куни ичида хабардор қилиши шарт. Бу ҳолда қонунчилик тартибида бошқа номзод мустақил аъзони сайлаш масаласи ҳал этилади.

4.4. Жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси кузатув кенгашининг бошқа аъзолари билан бир қаторда ушбу Қонунда белгиланган тенг ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади.

#### V. Кузатув кенгашининг раиси

5.1. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

5.2. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

5.3. Жамият Кузатув кенгашининг раиси:

Кузатув кенгашининг ишини ташкил этади;

Кузатув кенгаши мажлисларини чакиради ва уларда раислик қилади;

Кузатув кенгаши мажлисларида баённома юритилишини ташкил этади;

Акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

5.4. Жамият Кузатув кенгаши раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

#### VI. Кузатув кенгашининг мажлисларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

6.1. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият Кузатув кенгаши, ижро органи аъзосининг, шунингдек Жамият Уставда белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чакирилади.

6.2. Жамият Кузатув кенгаши мажлисларини ташкил этиш ва ўтказиш пухта ишланган режа асосида амалга оширилиши мумкин. Бундай режани Кузатув кенгашининг барча аъзолари, ижро органи, тафтиш комиссияси ҳамда, зарурат туғилганда, Жамиятнинг аудитори ва ички аудит хизматидан келиб тушган таклифлар асосида Кузатув кенгашининг раиси шакллантиради.

6.3. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши мажлисидаги барча иштирокчиларга уни лозим даражада ўтказишга тайёргарлик кўриш ва унда олиб чиқилган масалаларни муҳокама қилишда фаол иштирок этиш имкониятларини яратади. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари Кузатув кенгаши мажлисларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳамда уларда иштирок этиш учун етарли даражада вақт ажратишлари лозим.

6.4. Жамият Кузатув кенгашининг мажлислари ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади, бунда мажлисда мажбурий тартибда қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:

Жамият ижро органининг Жамиятнинг бизнес-режасини бажарилиши тўғрисидаги, Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлари тўғрисидаги, Жамият томонидан амалга оширилган харидлар тўғрисидаги, Жамият асосий (уставдаги) фаолияти билан боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган шўъба хўжалик жамиятлари ҳамда филиаллари (ваколатхоналари) фаолияти тўғрисидаги, Жамият томонидан тижорат мақсадлари ва нотижорат мақсадларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлари;

Ички аудит хизматининг ҳисоботи;

Кузатув кенгаши ҳузурида ташкил этилган Стратегия ва инвестициялар қўмитаси, Аудит қўмитаси, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси томонидан кўриб чиқилган масалалар бўйича хулоса ва тавсиялари.

6.5. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

6.6. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Жамият Уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириши

шарт. Кузатов кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Жамият ижро органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

6.7. Жамият Кузатов кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатов кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатов кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

6.8. Қуйидаги қарорлар Жамият Кузатов кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади:

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар;

конунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш тўғрисидаги қарор;

Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор;

Жамият томонидан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор;

сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) қабул қилинадиган қарорлар.

6.9. Жамият Кузатов кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатов кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

6.10. Жамият Кузатов кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Кузатов кенгаши томонидан қарор қабул қилишда Жамият Кузатов кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

6.11. Жамият Кузатов кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатов кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

қабул қилинган қарорлар.

6.12. Жамият Кузатов кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатов кенгаши аъзолари ҳамда мажлис котиби томонидан имзоланади. Кузатов кенгаши аъзолари мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

6.13. Жамият Кузатов кенгаши мажлисларига котиблик қилиш ва баённома юритиш вазифасини бажарувчи шахсни белгилайди. Бунда, Кузатов кенгаши котиби сифатида корпоратив маслаҳатчи, қимматли қоғозлар бўйича мутахассис, корпоратив бошқарув бўлими бошлиғи ёки бошқа мутахассис белгиланиши мумкин.

6.14. Жамият Кузатов кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият Кузатов кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин. Бунда Кузатов кенгашининг мажлисида ҳозир бўлмаган Кузатов кенгаши аъзосининг мажлис кун тартибидаги масалалар бўйича ёзма тарзда берган фикри инобатга олинади ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан (телефон, электрон алоқа, ижтимоий тармоқларнинг мессенжерлари ва ҳ.к.) фойдаланган ҳолда Кузатов кенгаши аъзосининг ёзма фикри тезкор тарзда йўлланиши ва олинishi мумкин. Жамият Кузатов кенгашининг мажлиси сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ўтказилган тақдирда, мажлис баённомасида бу ҳақда кўрсатилади.

6.15. Жамият Кузатов кенгаши мажлиси масофадан туриб ахборот коммуникация технологияларини, шу жумладан видеоконференц-алоқа тизимидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўтказилиши мумкин, бунда мажлисда иштирок этаётган Кузатов кенгаши аъзолари кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишлари ва улар бўйича овоз беришлари мумкин. Жамият Кузатов кенгашининг мажлиси видеоконференц-алоқа тизимидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўтказилган тақдирда, мажлис баённомасида бу ҳақда кўрсатилади, ушбу мажлис сиртдан овоз бериш йўли билан ўтказилган деб эътироф этилмайди.

6.16. Ҳар чоракда ижро органининг ҳисоботини эшитиш бўйича кузатов кенгашининг мажлисларини сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ўтказишга йўл қўйилмайди.

6.17. Жамият Кузатов кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг ижро органига ижро этиш учун топширилади. Кузатов кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот

Жамиятнинг ижро органига Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган кун и топирилади.

## VII. Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7.1. Кузатув кенгаши аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Кузатув кенгаши мажлисида шахсан иштирок этиш, мажлисида муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш;

Кузатув кенгаши қарорига кўра муайян даврда Жамиятнинг фаолияти натижалари, уни ривожлантириш режалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;

Жамиятга, шунингдек, унинг шўъба ва тобе юридик шахсларига оид ҳар қандай ахборот (хужжат ва материаллар)ни Жамият ижро органидан талаб қилиш ва олиш;

кун тартибидаги масалалар, қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўзининг алоҳида фикрини Кузатув кенгаши мажлиси баённомасига киритишни талаб қилиш;

Кузатув кенгаши мажлиси кун тартибига киритиш учун масалалар таклиф қилиш;

Кузатув кенгаши ва Жамиятнинг бошқа коллегиял органлари мажлислари баённомалари билан танишиш ва уларнинг нусхаларини олиш;

қонунчиликда ва Жамиятнинг ички хужжатларида белгиланган тартибда Кузатув кенгашида ишлаган даври учун ҳақ ва (ёки) харажатларининг компенсациясини олиш.

7.2. Кузатув кенгаши аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб виждонан ва оқилона иш тутиши, уларга маълум бўлган махфий маълумотларни ва хизмат ҳамда тижорат сирини ташкил этувчи жамият хужжатларини ошкора қилмасликлари лозим.

7.3. Кузатув кенгаши аъзолари ўз мавқеини ва жамият фаолияти ҳақида олинган маълумотларни шахсий манфаатларида фойдаланишига, шунингдек ушбу маълумотларни бошқа шахслар томонидан шахсий манфаатларида фойдаланишига йўл қўймасликлари лозим.

7.4. Кузатув кенгаши аъзолари Кузатув кенгаши мажлисида шахсан қатнашишлари шарт. Агар мажлисида қатнашиш имконияти мавжуд бўлмаса Кузатув кенгаши аъзоси сабабларини кўрсатган ҳолда Кузатув кенгашини бу ҳақда хабардор қилади. Бир вақтнинг ўзида Кузатув кенгаши аъзоси мазкур Низомга мувофиқ кун тартибидаги масалалар юзасидан ёзма фикрини юборишга ҳақли.

7.5. Аффилиланган шахс бўлган Кузатув кенгашининг аъзоси Жамият билан битим тузишда аффилиланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдирги юбориш орқали Жамиятни хабардор этиши шарт.

7.6. Кузатув кенгаши аъзолари Кузатув кенгаши томонидан у ёки бу қарорларни қабул қилишга таъсир кўрсатганлик учун бевосита ёки билвосита ҳақ олиш ҳуқуқига эга эмас.

7.7. Кузатув кенгаши аъзолари Жамият имкониятлари (мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, Жамиятнинг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот)дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

7.8. Кузатув кенгаши аъзолари ўзларининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек Жамият манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга оширишга мажбурдирлар.

7.9. Кузатув кенгаши аъзолари қуйидаги фидуциар мажбуриятларни бажаришлари лозим: жонқуярликни намоён қилиш мажбурияти — Кузатув кенгаши аъзосидан виждонан ва жонқуярлик асосида ҳаракат қилиш;

социкликни намоён қилиш ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик мажбурияти — Кузатув кенгаши аъзоларидан, биринчи навбатда, корхона манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қилиш;

лозим даражада кўздан кечиришликни намоён қилиш мажбурияти — Кузатув кенгаши аъзоларидан корхонага нисбатан қарор қабул қилишда эҳтиёткорлик билан ёндашиш;

мустакил мулоҳазадан фойдаланиш мажбурияти — Кузатув кенгаши аъзосидан қарорларни мустакил, шахсий ва бошқа манфаатларни инобатга олмаган ҳолда қабул қилиш.

## VIII. Кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги

8.1. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

8.2. Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдидagi жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

8.3. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

8.4. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

8.5. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси қуйидагилар натижасида Жамиятга етказилган зарар учун жавобгар бўлади:

чалгитувчи ахборот ёки била туриб ёлгон ахборот тақдим этганлик;

қонунчиликда белгиланган ахборот тақдим этиш тартибини бузганлик;

Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган йирик битимларни ва (ёки) амалга оширилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузишни таклиф этганлик, шу жумладан Жамият билан бундай битимлар тузилиши натижасида ўзлари ёки ўз аффилиланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида битимлар тузишни таклиф этганлик.

#### IX. Кузатув кенгашининг қўмиталари

9.1. Энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва Жамиятнинг Кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун Кузатув кенгаши аъзолари орасидан қўмиталар ташкил этилади.

9.2. Жамиятда Кузатув кенгаши қарори билан қуйидаги қўмиталар ташкил этилади:

Стратегия ва инвестициялар қўмитаси;

Аудит қўмитаси;

Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси;

Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси;

9.3. Барча қўмиталарнинг фаолияти қўмита таркиби, ваколатлари, иш тартиби ҳамда аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари каби қоидаларни ўз ичига олган ички ҳужжатлар билан тартибга солинади.

9.4. Қўмиталар таркиби Кузатув кенгаши аъзоларидан иборат бўлади. Зарур ҳолларда қўмиталар ишига Жамият ижро органлари аъзолари, Жамият ходимлари ва ташқи экспертлар жалб этилиши мумкин.

9.5. Жамият кузатув кенгашининг Стратегия ва инвестициялар қўмитаси раиси унинг мустақил аъзолари орасидан тайинланади ва мазкур қўмитага корхонанинг трансформация ва хусусийлаштириш жараёнларини доимий бошқариш вазифалари юклатилади.

9.6. Қўмиталар аъзолари Жамият Кузатув кенгаши раисининг тавсияси асосида Кузатув кенгаши аъзоларидан уларнинг ваколат муддати даврига кўпчилик овоз билан сайланади. Кузатув кенгаши қўмита аъзолари орасидан қўмита раисини тайинлайди.

9.7. Қўмита мажлисида унинг аъзоларининг камида 2/3 қисми иштирок қилса, мажлис ваколатли ҳисобланади, бунда қўмита раиси иштирок этиши шарт. Мажлисида қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Ҳар бир қўмита аъзоси бир овозга эга.

9.8. Қўмитанинг қарори мажлис баённомаси билан расмийлаштирилади. Ушбу баённома қўмита котиби томонидан юритилади ва у овоз беришда қатнашган аъзолари томонидан имзоланади.

#### X. Яқунловчи қондалар

10.1. Мазкур Низом Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган санадан эътиборан кучга киради.

10.2. Ушбу Низом, шунингдек, унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифлар Жамият акциядорлари ва Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ўзгариши натижасида, ушбу Низомнинг айрим бандлари унга зид бўлиб ёки ҳақиқий бўлмай қолса, Низомга ўзгартириш киритилгунга қадар Жамият Кузатув кенгаши аъзолари Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ иш юритадилар.

Жамият директори



А.К.Холжигитов



1-илова

“OLOY DENQON BOZORI” АЖ га

“OLOY DENQON BOZORI” АЖ Кузатув  
кенгаши аъзоси

\_\_\_\_\_ томонидан

### ХАБАРНОМА

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 85-моддаси ҳамда Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш Қоидалари (Адлия вазирлигида 2383-сон билан 31.07.2012 йилда рўйхатга олинган) га мувофиқ шу ҳақда хабардор қиламанки, мен “OLOY DENQON BOZORI” АЖга нисбатан аффилиланган шахс ҳисобланаман.

#### Аффилиланган шахс тўғрисида маълумотлар:

Фамилияси, исми, отасининг исми	
Асосий иш жойи, лавозими	
Яшаш жойи, шунингдек мавжуд бўлганда электрон почта манзили	
Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)	
Солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР)	
Кузатув кенгаши таркибига сайланган сана ва қарор рақами	
Акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши аъзосига тегишли овоз берувчи акцияларининг сони, тури ва фоизи	
Бошқа ташкилотлардаги иш жойи ва лавозими	
Шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси	
Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидан нусха	

Ф.И.Ш., имзо: \_\_\_\_\_

Сана: \_\_\_\_\_